*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
**24 август**
ШАНБА
**№ 66-67** (13223-24)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА:
## ХИЗМАТ, ҲУРМАТ, ҲИММАТ КЎРСАТАМИЗ!






**Бугун ким билан гаплашманг, суҳбат мавзуси тез-тез Давлат хизматлари марказлари фаолиятига бориб тақалади. Чунки, айни пайтда йиллаб битмай, бир жойда депсиниб турган кўплаб масалалар шу марказларда ижобий ҳал этилмоқда. Ўттиз йиллаб эгалик қилолмаган уй-жойига мулкдорлик ҳуқуқини тиклаган, тадбиркор сифатида югур-югурларсиз давлат рўйхатидан ўтганига қувонган инсонлар бугун Давлат хизматлари марказлари остонасидан рози бўлиб кетишмоқда.**

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

### НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаётган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Молия вазирлиги, Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон карлар жамияти (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари)нинг ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-бетда

*Ватан манзумаси*



**Барот ИСРОИЛ**

## Юрт қадри

*Дарбадар кезмаса ким юрт қадрин билмас эмиш,*
*Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш.*

*Тома-тома кўл бўлур деганлари рост экан,*
*То умрбод уқмаса ким ақли ҳам тўлмас эмиш.*

*Ватан тупроғига бош қўймагунча хаста ҳам,*
*Ҳаётдан умид узмай – жон таслим қилмас эмиш.*

*Сидқи дил заҳмат бирла бахт томон очмасанг йўл,*
*Ўзгалар соясида толейинг кулмас эмиш.*

*Мушкулни четлаб, чўчиб, осонни кўзлама ҳеч,*
*Эл ишидан қочса ким обрўйи қолмас эмиш.*

*Манманлар кўкка сапчиб, шунчалик кетар тубан,*
*То дакки емагунча ўзига келмас эмиш.*

*Имон-эътиқод ила Ватанингни сев, Барот,*
*Инсон зар, дунё билан бахтиёр ўлмас эмиш.*



Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

## ЭКСПОРТ: САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**Ўзбекистонда тери хом ашёсини қайта ишлаш асосида тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, шунингдек, аҳолини сифатли ва арзон чарм-пойабзал ва атторлик моллари билан таъминлашга қаратилган изчил чоралар амалга оширилмоқда.**



– Хорижий сармояларни фаол жалб этиб, республикамизнинг барча ҳудудларида янги корхоналар очмоқдамиз, – дейди "Ўзчармсаноат" уюшмаси раиси Фахриддин Бобоев. – Қатор етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот билан ички ва ташқи бозорларга чиқишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Барча кушхоналар ва терини тайёрловчи ҳамда қайта ишловчи корхоналарга ва тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатаяпмиз. Илғор технологиялар, жаҳон стандартларига мос менежмент тизимлари жалб этилишига, корхоналар қайтадан янгиланишига кўмаклашмоқдамиз.

Пойтахт вилояти ҳудудида охирги йилларда барпо этилган қўшма корхоналар йирик ва кичик шохли чорва моллар терисини тайёрлашнинг бозор механизмлари ҳамда сақлаш, қайта ишлашнинг замонавий технологиялари амалиётга татбиқ этилаётганининг ёркин ифодасидир. Ушбу тадбиркорлик субъектларида кўнчилик ва жунни қайта ишлашнинг замонавий андозаларга мос келувчи усуллари қўлланмоқда.

Давоми 2-бетда

■ Бунёдкорлик

**Юқоричирчиқ туманида 105 ўринга мўлжалланган 2 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.**

## БЕҒУБОР КУЛГУЛАР ОШЁНИ



Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, бу борада хусусий секторга кенг йўл бериш, айниқса, қишлоқ жойларда ушбу йўналишда янги боғчалар ташкил этиш орқали болаларнинг боғчага қамровини кенгайтириш, таълим-тарбия сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Юқоричирчиқ туманида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми 2-бетда



## Янги меҳмонхоналар фаолият бошлади

**Республикамизнинг туризм салоҳиятини намойиш этиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида ҳудудларимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқинда Олмалиқ шаҳрида 87 ўринли "Hilol" ва 23 ўринли "Bek" меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Замонавий лойиҳа асосида қурилган ушбу меҳмонхоналарда 2-3 кишилик ва оилавий яшашга мўлжалланган хоналар, бепул нонушта ва WI-FI мавжуд.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайфиддин Низомов иштирок этди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА: ХИЗМАТ, ҲУРМАТ, ҲИММАТ КЎРСАТАМИЗ!

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, аҳолига шаффоф ва тезкор хизмат кўрсатаётган бундай марказлар кун сайин кўпайиб бораётгани қувонарли.

Куни кеча вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳри ва Тошкент туманида ҳам Давлат хизматлари марказларининг янги биноси фойдаланишга топширилгани Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрамига муносиб совға бўлди.

Чирчиқ шаҳридаги икки қаватли кўркам иморат эндиликда аҳолининг серқатнов масканига айланди. Марказ биноси ноанъанавий архитектура ва миллий меъморий ечимлар билан уйғунлашган. Электрон навбат, кутиш зали, тиббиёт хонаси, болалар майдончаси барпо этилган. Марказ бир вақтнинг ўзида 23 та қабул ойнасида мурожаатчиларга хизмат кўрсата олади. Замонавий жиҳозланган залдаги 3 та мониторда марказга келувчи фуқароларга 100 дан ортиқ хизмат турлари юзасидан тегишли маълумотлар тақдим этиб турилади.

Бино атрофига манзарали дарахтларнинг 10 дан ортиқ ноёб турлари ва 400 дан ортиқ экзотик гуллар экилди. Бежирим йўлакчалар атрофи ландшафт дизайнида ободонлаштирилди.

Ўтган йил Чирчиқ шаҳрида Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига жами 51 мингдан ортиқ хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг дастлабки чорагининг ўзидаёқ 42 мингдан ортиб кетди. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ижтимоий ҳаётида давлат хизматларига бўлган эҳтиёж ва талаб кун сайин ортиб бораётганидан далолат.

Бугунги кунда марказ томонидан жисмоний ва юридик шахсларга нотариус, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли фаолият турлари бўйича лицензиялар бериш каби 100 дан ортиқ имкониятлар тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 июнидан Чирчиқ шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан вилоятда тажриба тариқасида 100 дан ортиқ турдаги талаб юқори бўлган қўшимча давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу жумладан, ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштириш ҳам вилоят миқёсида мазкур марказда жорий этилган. Бугунги кунга қадар 9 мингдан ортиқ фуқаро бундай қулайликдан фойдаланди.







Бундан ташқари, мазкур бинода давлат раҳбарининг тегишли қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси ҳам иш бошлади. Эндиликда муаммо ва таклифлар билан келган тадбиркорлар қулай шароитларга эга бўлган марказда тегишли давлат органлари вакиллари иштирокида қабул қилинади.

Тошкент туманидаги Давлат хизматлари маркази томонидан эса 2018 йилда 28 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. 2019 йилнинг ўтган олти ойи давомида мазкур кўрсаткич 32 мингдан ошди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизнинг барча туманларида ана шундай замонавий давлат хизматлари марказларининг фаолият олиб бораётгани эътирофга сазовор.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Белгилансинки, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинади;

солиққа тортиладиган ерлар бўйича юридик шахслардан олинадиган, ер участкасининг жойлашган ўрнига қараб белгиланган ер солиғини ставкасига нисбатан 0,1 пасайтирувчи коэффициенти қўлланган ҳолда тўлайди.

3. Давлат буюртмачиларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарлари (ишлари, хизматлари)ни харид қилиш учун квоталар тақдим этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган нормаларни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 август

❑ Яхши хабар

## Ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинади

**Президент мактабларига кира олмаган юқори натижали ўқувчилар имтиҳонсиз ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинади. Бу хақда Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати хабар берди.**

Хабарда ёзилишича, Президент мактабларининг асосий имтиҳонларида иштирок этган, юқори балл йиғиб ўқишга қабул қилинмаган номзодлар республикамиздаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган мактабларга 5- ва 7-синфга ўтаётган ўқувчилар қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган мактаблар ва уларда ўқишга тавсия этиладиган ўқувчилар рўйхати яқин вақт ичида эълон қилинади.

# БЕҒУБОР КУЛГУЛАР ОШЁНИ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур йўналиш бўйича тегишли "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ жорий йил туманда 1 минг 400 ўринга мўлжалланган 6 та нодавлат, 2 та оилавий, 2 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, шунингдек, 125 ўринга мўлжалланган 1 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

– Айни пайтга қадар 3 та нодавлат, 1 та оилавий ва 3 та давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фаолияти ташкил этилди, – дейди Юқоричирчиқ тумани мактабгача таълим бўлими мудираси Феруза Исроилова. – Қарийб 700 ўринга эга мазкур муассасалар фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига туманда болаларнинг боғчага қамрови 28 фоиздан ошди. Йил охирига бориб ушбу кўрсаткич 40 фоизга етиши кутилмоқда.



Нодавлат йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилаётгани боғчага қамровнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Энг улуғ, энг азиз айём – давлатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги шодиёнаси арафасида фойдаланишга топширилган "Сказочный мир" ва "Жамбул эркатойлари" нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳам шулар жумласидан.

Тадбиркор Ш. Пўлатхўжаева ташаббуси билан "Нурли йўл" маҳалласи ҳудудидаги собиқ ҚВП биноси мукаммал таъмирланиб, 75 ўринли "Сказочный мир" нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Муассасада болаларнинг соғлом ўсиши, замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди. Хоналар зарур мебель ва ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Муассасада машғулотлар ўзбек ва рус тилида олиб борилади. Инглиз тили, шунингдек, шахмат-шашка ва рақс тўгараги ташкил этилган. Бу болаларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб улғайишига хизмат қилади.

Тумандаги яна бир нодавлат мактабгача таълим муассасаси – "Жамбул эркатойлари" "Бўстон" маҳалласида фойдаланишга топширилди. Тадбиркор С. Турдибеков томонидан 30 ўринга мўлжаллаб ташкил этилган мазкур муассасада ҳам болажонлар учун барча зарур шароит яратилган.

Маълумотларга кўра, тумандаги 28 та мактабгача таълим муассасасида боғча ёшидаги 10 минг 500 нафардан зиёд боланинг қарийб 3 минг нафари тарбияланаётир.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭКСПОРТ: САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Ангрен шаҳрида жойлашган "China sanay story" қўшма корхонаси фаолияти бунинг яққол исботидир. Хитойнинг таниқли брендларидан олиб келтирилган технологик жиҳозлар кунига бир ярим минг донагача йирик шохли чорва терисини қайта ишлаш қувватига эга. Таннархи арзонлиги ва юқори сифат билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси экспорт қилинмоқда.

Бир ярим миллион АҚШ доллари қийматига эга лойиҳанинг амалга оширилиши 40 кишини доимий иш билан таъминланишига имкон яратди. Юқори малакали операторлар, тери ошловчилар, технологлар, электриклар, сараловчилар, кесувчилар, тозаловчилар, ҳайдовчилар шулар жумласидандир.

– Ёш кадрларни тайёрлаш, ишлаб чиқаришга замонавий усуллар ва янгича ёндашувларни татбиқ этишга қодир мутахассисларни ўқитиш масалалари доимо диққат марказимизда, – дейди "China sanay story" қўшма корхонаси раҳбари Санжар Жалолов. – Шу сабабли, доимий равишда хориждан юқори малакали технолог ва дизайнерларни жалб қилмоқдамиз. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот сифати ошиши, санитария-эпидемиология меъёрлари бажарилишини таъминлайди.

Ҳозирги кунга келиб Шан Гуй Ли бошчилигидаги бир гуруҳ хитойлик мутахассислар ёш ходимларга мураккаб автоматлаштирилган жиҳозларни бошқаришни, шунингдек, барча ишлаб чиқариш меъёрлари, меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатмоқдалар.



– Россия Федерациясида бой тажриба орттириб, Ватанимга қайтдим, – дейди "Гурум" маҳалласида яшовчи Солижон Пардаев. – Мана, энди ўғлим Валижон ва куёвим Ҳасан билан туғилиб ўсган шаҳримда меҳнат қилмоқдаман. Корхонамизда самарали меҳнат ва дам олиш учун барча шароитлар яратилган, ходимлар бир маҳал бепул овқат ва махсус коржома билан таъминланган.

"China sanay story" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона бир ярим гектар майдонни эгаллаган бўлиб, автоном энергетик ва сув таъминоти ҳамда замонавий омборхоналарга эга. Юртбошимизнинг 2018 йил 3 майдаги қарорига асосан, корхона 2023 йилнинг 1 январигача чет элдан олиб келинадиган импорт жиҳозлар, бутловчи буюмлар, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашёлар, материаллар ва фурнитура учун барча божхона тўловларидан (расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлардан ташқари) озод этилган. Бундай ғамхўрлик ишлаб чиқариш ҳажми янада ўсишига имкон яратмоқда. Яқин истиқболда тадбиркор Санжар Жалолов ён-атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 60 та йигит-қизни ишга қабул қилиш ниятида.

**Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

# АГАР ОГОҲ СЕН...

*Дунёда эллар, мамлакатлар кўп, лекин аждодларимиз уйғоқ руҳи кезиб юрган бу муқаддас макон, бу она замин – Ўзбекистон ягона!*

*"Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир", "Ватанни севмоқ – имондандир", дейилади ҳикматларда. Қанчалар улуғ, бир-бирига уйғун тушунчалар. Бу туйғу қалбларимизга жасур аждодларимиздан мерос қолмиш. Жалолиддин Мангуберди шижоати, Амир Темур жасорати...*

❑ Амалиётчи кундалигидан

Булар кўксида Ватан деган қуёшни кўтариб яшаган улуғларимиздир. Ватан тарихини нима безаб туради, деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай шижоату жасорат, маърифату адолат, садоқату ҳимоят дегим келади.

Ўтган йиллар давомида тарих зарварақларига битилган Истиқлол солномасига назар солар эканмиз, ҳар соҳада ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, диллар қувончга тўлади. Истиқлол берган саодатдан сармаст юртдошларимиз юз-кўзларида дориламон кунлар шукронасини ўқиймиз.

Эзгу мақсадлар, орзулар... Улар қанчалар улуғ бўлса, шунча юксакда бўлади. Лекин, қатъият, ёниқ қалб, фидойилик билан қўйилган ҳар бир қадам кишини ўша улуғ орзулар ижобатига яқинлаштириб боради. Мамлакатимиз йилдан-йилга ана шундай эзгу ниятлар, қатъий ҳаракатлар, барча соҳалардаги бунёдкорликлар асосида қанчалар юксалиб, ривожланиб бораётганидан барчамиз тенгсиз қувонамиз.

Аммо, шуни ҳам доимо ёддан чиқармаслигимиз керакки, бугун дунё безовта, унинг қайси жойларидадир миллионлаб одамлар уруш ва қирғинлар соясида жон ҳовучлаб кун кўрмоқдалар.

Ўзинг интилган бахтга эришган тақдирингда ҳам фаол ҳаракатингни, ҳушёрлигингни ҳеч қачон сусайтирма, дейдилар. Шу боис, ўз бахтини, Ватани бахтини асраш учун ҳам бедор бўлиб яшайди инсон! Асли огоҳлик, ҳушёрлик деган сўзлар бедорлик деган сўз билан эгизакдай туюлади. Инсон ҳеч вақт ўз уйи, ҳовлиси даражасидаги бахт билан кифояланиб яшай олмайди.

Инсоният тарихига назар солар эканмиз, бир замонлар мамлакат сарҳадларини асрашда мустаҳкам қалъалар, метин қўрғонлар катта аҳамият касб этганини кўрамиз. Замонлар ўзгарди. Бугун қалби Ватан меҳри билан обод бўлган мард йигитларимиз, офицеру аскарларимиз тинчликсевар, юртсевар халқимиз, бугунимиз ва эртанги кунларимизнинг метин қўрғонларидир.

**Робия АБДУХОЛИҚОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси**

❑ Мактаб бозорлари

**Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолган айни дамларда ота-оналар фарзандларини етаклаб, "мактаб бозори"га ошиқишмоқда. Паркент туманида ташкил этилган мактаб ярмаркалари ҳам шу кунларда харидорлар билан гавжум.**

# БАҲОЛАРИНГ «5» БЎЛСИН, БОЛАЖОН!



"Паркент деҳқон бозори" ҳудудида фаолият олиб бораётган мактаб ярмаркаларида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формалари, кийим-кечак ва пойабзаллар сотуви йўлга қўйилган. Ярмаркадан ўрин олган маҳсулотларнинг деярли барчаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, сифати, дизайни кўпчиликка маъқул.

– Ҳар йили набираларимга ўқув қуроллари ва кийим-кечакларни мактаб ярмаркаларидан харид қилишга одатланганман, – дейди икки нафар набирасига ўқув қуроллари олишда ёрдамлашаётган Назира ая Бурхонова. – Чунки, мактаб кўргазмаларидаги маҳсулотлар нархи бозорникига қараганда анча арзон. Бу йил ҳам болажонларимга сифатли ва бежирим либосларни шу ердан олаяпмиз. Энг муҳими, уларнинг раъйига қараб, ўзлари маъқул кўрган дафтар-қаламлардан харид қилаяпмиз.

Савдо нуқталари терминал, назорат касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминлангани аҳолига янада кенг қулайлик яратмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

❑ Биз Қўқонга борамиз!

*Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида мамлакатимизда биринчи маротаба Халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилади. Ташкилий қўмитанинг маълумотларига кўра, инглиз тилида "International Festival of Handicrafters Kokand – 2019" деб номланган ушбу тадбирда 72 давлатдан 200 дан ортиқ ҳунарманд қатнашади.*

# ОЛТМИШ ҲУНАРМАНД ФЕСТИВАЛГА ШАЙ

Бундай нуфузли фестивалда муносиб иштирок этиш учун вилоятимиз ҳунармандлари ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Масалан, фестиваль олдидан вилоятимизнинг бир қотор ҳудудларида



ҳунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган азалий касб эгалари ўзлари яратган, миллий менталитетимизни ўзида яққол намоён эта олган турли маҳсулотлари, ижод намуналари, яратувчилик салоҳиятлари билан иштирок этишди.

Айтиш керакки, ҳунармандчилик вилоятимизда ўзининг бой тарихига эга бўлиб, бугунги кунда ҳам жадал ривожланаётган соҳалардан биридир.

Хусусан, Паркент ўзининг пичоқчиларию бешикчилари, Оҳангарон каштачию зардўзлари, Янгийўл ёғоч ўймакорларию кандакорлари, Бўстонлиқ саватчиларию турли тақинчоқ усталари билан машҳур бўлса, бошқа ҳудудлар кундалик эҳтиёж моллари, эркак, аёл ва болалар миллий либос ва оёқ кийимлари, уй-рўзғор, ошхона жиҳоз ва буюмлари билан донг таратган.

Қўқондаги фестивалда танловларда ғолиб бўлган 60 нафар ҳунармандимиз ўз асл маҳсулотлари билан иштирок этадиган бўлди.

Халқаро ҳунармандчилик фестивалига ҳозирлик кўраётганлардан бири Зангиота туманида истиқомат қилаётган Анвар Аймуҳамедовдир. Ўз фаолиятини соатсозликдан бошлаган уста аста-секин оддий ойна ва дарахт ёғочларидан фойдаланган ҳолда турли кўринишдаги экзотик соатлар тайёрлашни йўлга қўйди. Йиллар ўтгани сайин у ишлаб чиқарган маҳсулотларга талаб ортиб борди. Айниқса, соатлар ичига табиат манзаралари, ўсимлик ва жониворларнинг суратлари, машҳур спортчи ва санъаткорларнинг сиймолари туширилиб, турли дизайн ва ҳажмда ишланаётгани уларни ўзига хос санъат асари даражасига кўтармоқда.

– Албатта, бундай кўринишдаги соатларни ясаш кишидан алоҳида ёндошув ва меҳнат талаб қилади, – дейди Анвар Аймуҳамедов. – Шунинг учун мен ёнимга шогирдларимни олиб меҳнат қиламан. Ҳозиргача уларнинг 10 нафардан ортиғи ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Айни кунларда икки ўғлим – 16 ёшли Сарвар ва 14 ёшли Аброрга касбим сирларини ўргатмоқдаман. Келгусидаги мақсадим бундай дизайндаги соатларни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва истеъмолчиларга етказиб беришдир. Ўйлайманки, мазкур фестивалда вилоятимиз ҳунармандларининг иштироки ҳам қизиқарли таассуротларга бой бўлади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, фестиваль доирасида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, янги туризм масканлари акс эттирилган кўргазмаларни жойлаштириш ҳам режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, тадбирга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат*

# КЎПНИ КЎРГАН, ҚЎША ҚАРИГАНЛАР САБОҒИ

**Бекобод шаҳар "Оила" маркази томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудуддаги хонадонларнинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий аҳволини ўрганиб бориш йўлга қўйилганлиги ўзининг ижобий самараларини бермоқда.**

OILA
ILMIY - AMALIY TADQIQOT MARKAZI

❑ Интилиш

Марказга бўлаётган ҳар бир мурожаат алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, йил бошидан буён 125 оиланинг мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди ва улар томонидан кўтарилган муаммоларнинг ечимини топиш, оилалардаги муҳитни барқарорлаштириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Энг муҳими, 65 ёш оиланинг ўзаро низолари бартараф этилиб, ажралишларнинг олди олинди.

– Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар онгига оила муқаддас эканини сингдириш, ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, – дейди шаҳар "Оила" маркази раҳбари Малика Шарипова. – Бунда марказлар қошида келин-куёвлар инновацион мактабларининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бундан ташқари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда оилавий мавзуларда ўтказиб борилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренингларнинг роли ҳам катта бўлмоқда. Бундай тадбирларга хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ ходимлари, катта оилавий тажрибага эга бўлган нуроний онахонларимизнинг жалб этилаётгани ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг эътиборга молик жиҳатидир.

**Ўз мухбиримиз**

❑ Касаба уюшмалари ҳаётидан

*"Меҳнат муҳофазаси ойлиги" доирасида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан Олмалиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида "Хавфсизлик, саломатлик ва меҳнат" мавзусида амалий семинар ўтказилди.*

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – КУНДАЛИК ЗАРУРАТ



Ушбу тадбирда фан, таълим ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашига аъзо ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшмаси қўмитаси раислари ҳамда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нозирлари иштирок этишди.

Семинар қатнашчиларига мутахассислар томонидан "Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш", "Меҳнатда жабрланган ходимларга ногиронликни белгилаш тартиби", "Ходимлар ҳаётини суғурта қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда жабрланганлар учун суғурта тўловларини ундириш тартиби" тўғрисида кенг ва атрофлича маълумотлар берилди.

Амалий семинарда вилоят Бандлик бош бошқармаси давлат инспектори Шавкат Тошпўлатов, вилоят тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси шифокори Гулчеҳра Бекжонова, "Ўзагросуғурта" давлат акционерлик суғурта компанияси Олмалиқ суғурта маркази масъул ходимлари иштирок этиб, мавзу юзасидан зарур мулоҳаза ва тавсияларини ўртоқлашдилар

**Ўз мухбиримиз**

# ҲОЖИЛАР ЮРТГА ҚАЙТИШМОҚДА

**Муборак ҳаж сафарига кетган юртдошларимиз Ватанга қайта бошладилар.**

❑ Шукроналик

Хусусан, вилоятимиздан 510 нафар зиёратчи муборак сафарда бўлиб, куни кеча уларнинг 235 нафари юртимизга қайтиб келди. Тошкент халқаро аэропортида ҳожиларимиз вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги ва бошқа жамоат ташкилотлари масъуллари, шунингдек, оила аъзолари, яқинлари томонидан кутиб олинди. Муборак сафардан қайтган фуқаролар махсус ташкил этилган автобусларда ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудларга жўнаб кетишди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, айни пайтда Саудия Арабистонида бўлиб турган яна бир гуруҳ юртдошларимиз 28 август санасига қадар махсус рейсларда Ватанга қайтадилар.

Чиноз тумани, Яллама қишлоғи, "Қир" маҳалласида истиқомат қилиб, 70 ёшни қаршилаган Ҳадича ая Эргашева ҳам фарзандлари Баҳодир билан ушбу сафардан бир олам таассурот билан қайтдилар.

– Аллоҳга шукр, ниятимга етдим, фарзандларим, невараларим бағридаман, бизга қулайликлар яратиб келаётган Президентимиздан миннатдорман. Энг асосийси, барча амалларни бақадри имкон бажаришга мушарраф бўлдим.

– Бу йил туманимиздан 133 нафар киши умра сафарига боришган бўлса, куни кеча 18 нафари ҳаж амалларини адо этишди, – дейди туман бош имомхатиби Зиёвуддин Нортожиев.

– Сафар давомида ҳар биримизга алоҳида эътибор қаратилиб, соғлиғимиз махсус шифокорлар назоратида бўлгани барчамизни қувонтирди, – дейди оққўрғонлик Абдулла Астрақулов. – Нафақага чиқиб, шундай саодатли кунларга етказгани учун минг шукр, дейман.

**Умида ФАЗЛИДДИНОВА**


## Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "ОАВларда миллатлараро бағрикенглик ва дўстликни, тинчлик ва барқарорликни кенг тарғиб этиш"

мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

– аждодлар томонидан тўпланган тарихий, маданий меросларни асраб-авайлаш, уни ўсиб келаётган авлод тарбиясида зарурлиги борасидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

– миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига сингдиришга, этник маданий анъаналарни асраб-авайлашга, халқ ижодиётини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

– Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг азалий миллий анъаналари, урф-одатлари, удумларини сақлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

– маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида маданий меросга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шакллантириш борасида тарғибот ишларини кучайтириш;

– мамлакат маданий-тарихий меросини оммалаштиришга, тарихий сайёҳлик қадамжоларни танитишга, уларнинг фаолиятини тарғиб этишга қаратилган ОАВ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

– миллий маданий марказлар томонидан мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларни чоп этишга, халқ оммасига етказишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

– Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш соҳасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари, қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва янгиликларни миллий ва хорижий ОАВда кенг ёритиш;

– жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаш ҳамда ривожлантириш бўйича мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш;

– миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бирдамликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

– миллий ҳунармандчилик соҳасида устоз-мураббийлик анъаналарини янада ривожлантириш, кекса авлоднинг билими, тажрибаси ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш;

– туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш;

– туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган янги маданий сайёҳлик йўналишларини ташкил этишга, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, янги иш ўринларини ташкил қилишга, инновацион технологияларни жалб этишга кўмаклашиш.

**Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди"** номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:**
**(0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

## Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "Жамиятда юксак маънавиятни ва қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш"

мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб беришга, қонун меъёрлари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;

– аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ННТ фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий онгни юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

– қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришда ижтимоий шерикликнинг инновацион усулларини жорий этиш;

– сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтиришга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, маҳаллалар ободлигини таъминлашга кўмаклашиш;

– аҳолининг маънавий-ахлоқий, психологик билимларини ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

– кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёши улуғ инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёшлар томонидан уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиш, кексаларни ҳурмат қилишга, эъзозлаш, ғамхўрлик кўрсатиш туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш;

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини, қонуний манфаатларини амалга оширишда тенг шароитлар яратиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, меҳнат фаолиятига мослаштиришга ёрдам кўрсатиш;

– ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, фидойилик туйғуларини қарор топтиришга кўмаклашиш;

– аёллар, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

– вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

– одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграциясидан жабр кўрган аҳолига тизимли профилактик тарғибот, ташвиқот ва реабилитация чора-тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;

**Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди"** номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:**
**(0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

# БУГУН ФЕРМЕРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

## У аграр соҳанинг етакчи кучига айлана олаяптими?

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент вилоятидаги мавжуд пахтачилик-ғаллачилик фермер хўжаликлари ер майдонлари ҳам тўлиқ хатловдан ўтказилди.**

### Мақбуллаштиришдан мақсад нима?

Бунинг учун, энг аввало, ҳар бир фермер хўжалигининг охирги уч йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий ва бошқа муҳим кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Иккинчидан, қарор билан белгиланган ўлчамлар асосида янги лойиҳалар бўйича талабгорлар ўртасида очиқ танловлар ўтказилди ва унинг ғолиблари аниқланди. Муҳими, ана шундан сўнг танлов ғолибларининг имкониятлари Халқ депутатлари туман кенгашларида кўриб чиқилди.

Шу асосда фермер хўжаликларига ер участкаларини ажратиш бўйича туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди. Албатта, буларнинг барчаси адолат мезонлари асосида олиб борилгани айтилмоқда. Хўш, модомики шундай экан, эндиликда фермер аграр соҳанинг етакчи кучига айлана олаяптими?

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжуд. Масалан, вилоятимизда ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги 1 минг 690 та фермер хўжалиги тугатилиб, улар негизида 1 минг 349 та янги хўжалик ташкил қилинди. Пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига 204 минг 357 гектар ер майдони қайта бириктирилди ва битта фермер хўжалигига ўртача 151 гектар ер тўғри келди. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони аввалги 62 гектардан 151 гектарга ёки 2,5 баробарга оширилди.

– Жумладан, бу кўрсаткич Бекобод туманида 56 гектардан 114 гектарга, Бўка туманида 52 гектардан 156 гектарга, Пискент туманида 65 гектардан 133 гектарга, Оққўрғон туманида 79 гектардан 152 гектарга, Ўртачирчиқ туманида 60 гектардан 133 гектарга, Юқоричирчиқ туманида 61 гектардан 107 гектарга, Чиноз туманида 73 гектардан 185 гектарга етказилди, – дейди вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. – Авваламбор, айтиш кераккки, ушбу қарорнинг асосий мақсади давлат мулки бўлган экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фермерларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ва иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга қаратилгандир. Кўп йиллик кузатув ва тажрибалар бунга, ернинг экологик ҳолатини яхшилаш, замонавий инновацион ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, фаолият турларини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш эвазига эришиш мумкинлигини кўрсатди. Шу боисдан ҳам, навбатдаги мақбуллаштириш жараёнида ҳар бир туманнинг аҳоли зичлиги, иш билан таъминланганлик даражаси, хўжаликларнинг ихтисослашуви, ўзига хос хусусиятлари ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида қўшимча тармоқлар ташкил этилганлиги инобатга олинди.



### Кенгаш ҳимоя қила олади(ми?)

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада оширди, – давом этади Т. Тўраев. – Кенгашнинг бу соҳадаги ваколатлари кенгайди. Шу боисдан ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб, барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий эканлиги белгиланди. Агар фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашда аъзолиги бўлмаса, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши риёсатининг қарорига мувофиқ, тугатилиши ҳақида туман ҳокимига таклиф киритилади. Таклифнинг кўриб чиқилиши эса мажбурий этиб белгилаб қўйилди. Бундан буён Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашлари қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ҳамда жамоат назоратини амалга оширади. Бу билан кенгаш ўз аъзоларини ҳимоя қиладиган ташкилот мақомига эга бўлди.

Тошкент вилоятида ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам берадиган 18 та "Томорқа хизмати" МЧЖ ташкил этилди. Кенгаш ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган "Ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди.

### Томорқачи – ислоҳотга кўмакчи

Вилоятда тўқсонбости ва эртаки экинлардан бўшаган 10,9 минг гектар томорқага ўртаки (такрорий) бозорбоп экинларни экиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 599 гектар ловия (фасоль), 317 гектар нўхат, 690 гектар пиёз, 1 минг 196 гектар бақлажон, 1 минг 457 гектар помидор, 1 минг 97 гектар бодринг, 973 гектар сабзи, 12 гектар шолғом, 848 гектар турп, 241 гектар ош лавлаги, 1 минг 511 гектар кўкатлар, 899 гектар карам, 481 гектар картошка ҳамда 631 гектар бошқа озуқа экинлари экилиши белгиланди. Улардан 118,4 минг тонна маҳсулот етиштирилиши кутилмоқда. Бунинг учун зарур бўладиган уруғлик (кўчатлар), минерал ўғит захираси "Томорқа хизмати" МЧЖ ва бошқа таъминотчи корхоналар томонидан таъминланиши белгиланди.

Вилоятда аҳоли томорқаларини ривожлантиришга жами 270 миллиард 800 миллион, шундан ихчам иссиқхоналар қуриш учун 20 миллиард 821 миллион, қуйчиликни ташкил қилиш учун 36 миллиард 325 миллион, асаларичилик учун 8 миллиард 64 миллион, паррандачиликни ташкил қилиш учун 7 миллиард 275 миллион, қуёнчилик учун 4 миллиард 353 миллион, балиқчиликни ривожлантириш учун 3 миллиард 502 миллион, боғ ва токзорлар учун 1 миллиард 42 миллион, бошқа йўналишлар учун 189 миллиард 418 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилгани эътиборга моликдир.

Бугунги кунда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 299 та томорқа ер эгасига имтиёзли кредит олиш учун тавсиялар берилди. Амалда эса 41 та томорқачига 895 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу кредит маблағлари эвазига 5 та хонадонда иссиқхона қурилди, 121 та хонадонда чорвачилик йўлга қўйилди.

Вилоят бўйича 3 минг 880 та хонадонда 78,3 гектар иссиқхона ташкил этиш белгиланган бўлиб, шундан ҳозирги кунда 3 минг 157 та хонадонда 63,8 гектар иссиқхона қуриб битказилди. Бунинг натижасида 1 минг 510 та иш ўрни вужудга келади.

Ўтказилган таҳлил ва мониторинг натижаларига кўра, вилоят бўйича 26 минг 171 та хонадонда 837,4 гектар томорқа ер майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳоллари қайд этилди.

Ҳозирги кунгача вилоятда "Томорқа хизмати" томонидан 3 миллион 212 минг доллар миқдорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Масалан, "Оққўрғон томорқа хизмати" томонидан 64,9 минг, "Зангиота томорқа хизмати экспорти" томонидан 1041,8 минг АҚШ долларилик пиёз ва карам, "Оҳангарон Увак томорқа хизмати" МЧЖ томонидан 243,7 минг АҚШ долларилик қуритилган мевалар экспорт қилинди.

Шунингдек, "Оҳангарон шаҳар томорқа хизмати" томонидан мева-сабзавот экспорти учун 57 миллион долларлик шартнома имзоланган. Унга асосан, 1 сентябргача Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларига 280 минг доллар миқдорида маҳсулот чиқарилади.

Бу борада Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Чиноз, Юқоричирчиқ ва Тошкент туманларида "Томорқа хизмати" МЧЖлар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ туманлари ва Ангрен, Бекобод, Нурафшон, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларидаги бу хизматнинг ўрни ва қамрови ҳануз пастлигича қолмоқда.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Реклама ва эълонлар

## БИЛДИРИШ

**"Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони имзоланди**

*Фармонга кўра:*

- *2019 йил 15 августдан сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғи ставкаси 20 фоизга;*
- *2019 йил 1 октябрдан алкоголли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкаси ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкаси 20 фоизга оширилди.*

**Шунингдек, спирт ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга оид илгари берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.**

***Нурафшон шаҳар Солиқ инспекцияси***

## "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига"Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 20.08.2019 йидаги №01-6/1047-сонли буюртманомасига асосан "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖ тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулклари қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Меҳнатобод ҳудуди Тақачи м.ф.й. манзилида жойлашган қурилиш ости майдони 128 кв.м. бўлган "Бобур" номли ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 158 335 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Жамбул ҳудуди, Кўрсой м.ф.й. манзилида жойлашган қурилиш ости майдони 31.98 кв.м. бўлган "Олға" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 144 324 000 сўм. 3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод қ.ф.й., Шарқ м.ф.й. Бодомзор кўчаси манзилида жойлашган қурилиш ости майдони 128.28 кв.м. бўлган "Туркистон" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 152 963 000 сўм. 4. Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Сурум маҳалласи манзилида жойлашган умумий майдони 40.62 кв.м. бўлган "Навоий" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 119 185 000 сўм. 5. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Ўзбекистон ф.х.у. Лолаариқ м.ф.й. манзилида жойлашган умумий майдони 76.7 кв.м. бўлган "Ўзбекистон" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 134 038 000 сўм. 6. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Қирққизобод ф.х.у. Қулота м.ф.й., Ёшлик кўчаси манзилида жойлашган умумий майдони 94 кв.м. бўлган "Қирққизобод" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 106 640 000 сўм. 7. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Ўзбекистон Мустақиллиги ф.х.у. Мустақиллик м.ф.й. Ўртаовул қишлоғи манзили да жойлашган умумий майдони 180 кв.м. бўлган "Ўзбекистон Мустақиллиги" ФЁТШ. Бошланғич баҳоси: 176 850 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 10 ва 28 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.Талабгор савдо ғолиби бўлган тақдирда, аукцион савдоси натижасига асосан мулкнинг сотиб олиш қийматидан 1 фоизи миқдорида пул маблағини ғолиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб 5 банк куни ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.
Тел: +998-71 236-25-53.
www.capitaltrust.uz
Лицензия RR – 0298.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 24 август куни Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.



Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 12-17, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали ҳудудида "Ошхона қурилиши" бўйича корхоналар ўртасида**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:**

**Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уй. Тел.: (0-370) 214-21-46.**

**Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб, 10 кун муддат ичида қабул қилинади.**

## Диққат! Диққат! Диққат!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очиқ аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.**

**Электрон онлайн очиқ аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.**

| № | Давлат объекти номи | Объект манзили | Балансда сақловчи | Объектнинг бошланғич нархи | Объектнинг қолдиқ қиймати | Объектнинг номинал қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Ғазалкентшароб савдо" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши | Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Чирчиқ кўчаси, 48-уй | "Ғазалкентшароб савдо" МЧЖ | 602 556 100,0 | 25 291 000,0 | 343 592 000,0 |
| 2 | "Келес шароб савдо" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши | Тошкент тумани, Келес шаҳри, Бинокор кўчаси | "Келес шароб савдо" МЧЖ | 1 426 102 655,0 | 282 430 000,0 | 316 927 000,0 |
| 3 | "Дамачи шароб савдо" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши | Зангиота тумани, Улуғбек ф/у, Наврўз маҳалласи | "Дамачи шароб савдо" МЧЖ | 1 829 865 568,0 | 136 706 000,0 | 722 363 000,8 |

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 24 сентябрдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** 111503, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-уй.

**Маълумотлар учун телефонлар:** 0(371) 230-34-80, 231-19-32.

**E-mail:** toshvil@davaktiv.uz

**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 233-30-56 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

UZTELECOM

# «Ўзбектелеком»

## акциядорлик компанияси Тошкент филиали

юртимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз байрам –

*Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги*

билан қутлайди!

**Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!**



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

юртдошларимизни аждодларимиз орзу қилган улуғ кун –

**Мустақиллик айёми**

билан самимий табриклайди! Ватанимиз эришаётган улкан ютуқларда барча соҳалар ходимларининг, фидойи меҳнат аҳлининг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Барча эзгу ва улуғвор ниятларимиз рўёби умримизни безасин, азизлар. Байрам барчамизга муборак бўлсин!



## «УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ» ДУК

### Тошкент ҳудудий бошқармаси

юртимиз аҳлини

*Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги билан қутлайди.*

*Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб, Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати дунё бўйлаб таралаверсин!*





Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи

# «ВАТАНПАРВАР»

ташкилоти Тошкент вилояти Кенгаши

барча ҳамюртларимизни

энг улуғ, энг азиз байрам –

*Мустақиллигимизнинг*

## 28 йиллик

тўйи билан қизғин муборакбод этади.

ЮРТИМИЗДАН ТИНЧЛИК,
ХОНАДОНЛАРИМИЗДАН
ТОТУВЛИК, ФАЙЗ-БАРАКА
АРИМАСИН, АЗИЗЛАР!

# «ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР КОРХОНАСИ» АЖ

барча юртдошларимизни

*эзгу орзу-умидлар рўёби бўлган*

*Истиқлолимизнинг*

## 28 йиллик

*байрами билан қизғин муборакбод этади. Озод ва обод юртимизнинг шодиёна кунлари кўпаяверсин!*



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Комилжон МАМАДКАРИМОВ

Буюртма Г-844. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 480 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.00.